



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 259 (13.592)

Баҳоси эркин нарҳда

САЙЛОВ ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА МУҚОБИЛЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Жорий йил 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтди.

2017 йил 29 августда қабул қилинган "Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун пойтахтимиз туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тўзиш учун ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар яратди. Сайлов амалдаги сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, очиклик, шаффофлик ва муқобиллик тамойиллари асосида ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мирзо Улуғбек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз бериш жараёнида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари таклифи билан Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Бу борада адолат тикланиб, Конституциямизга тегишли ўзгаришлар киритилди. Эндиликда Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам ўзлари сайлаган вакиллари орқали туманларини бошқаришда иштирок этади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кунига пойтахтимизда катта тайёргарлик кўрилди. Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига кўра, овоз бериш жараёнида қатнашаётган барча

сиёсий партиялар ва ўзини ўзи бошқариш органлари Тошкент шаҳрининг 11 туманида ташкил этилган 330 сайлов округига биттадан номзод кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов жараёнида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизими ҳуқуқий эксперимент сифатида амалиётга татбиқ этилди.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ягона матбуот марказида сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссияси раиси Х.Каримов маълум қилишича, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари депутатлигига 1 минг 650 нафар номзод кўрсатилди. Сиёсий жараёнда пойтахтимизда истиқомат қилувчи 1 миллион 267 мингдан ортиқ сайловчи қатнашди. Бу сайловчилар сонининг 81,2 фоизини ташкил этди.

Дастлабки натижаларга кўра, 279 сайлов округида депутатлар сайланди. 51 сайлов округида эса такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз бе-

риш амалдаги қонунчиликка мувофиқ 2 ҳафта ичида ўтказилади.

Сайлов қонунчилигининг бузилишига оид айрим ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар сайлов комиссияларига келиб тушмоқда. Айни пайтда ушбу ҳолатлар сайлов комиссиялари томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Натижалар бўйича тегишли чоралар кўрилиши маълум қилинди.

Сайлов натижаларига кўра, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 114, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 45, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 41, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 33, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 46 депутат сайланди. Уларнинг 65 нафари хотин-қизлар, 17 нафари эса 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Депутатлар орасида 78 иқтисодчи, 55 педагог, 45 муҳандис, 38 шифокор, 22 ҳуқуқшунос ва 41 нафар бошқа касб эгалари бор.

Улуғбек АСРОРОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда барча тармоқлар қатори маданият ва санъат соҳаларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, шу йил 3 август куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юртимиз ижодкор зёлилари вакиллари билан учрашуви соҳа ривожига янги тарихий даврни бошлаб берди. Ана шу учрашувда миллий маданиятимиз, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар танқидий таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш йўллари, ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдига турган муҳим вазифалар кўрсатиб берилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 декабрь куни Олий Маҳлисга тақдим этилган Мурожаатномасида ҳам мазкур соҳа ривожига алоҳида урғу берилиб, халқимиз, жамиятимизнинг маънавий юксалишида маданият ва санъат аҳли олдига турган вазифалар аниқ баён қилинди.

Бўлиб ўтган мажлисда ана шу вазифаларни бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадий академия ва ижодий ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилиб, бу борадаги ишларни фаоллаштириш ва янги босқичга кўтариш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг маданияти ва санъати унинг гурури-ифтихори манбаи ҳисобланади. Бугунги кунда миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш бўйича олиб бораётган барча ишларимиз шу мақсадга қаратилган, деди Президентимиз. Буюк келажагимизни барпо этар эканмиз, аввало, унинг маданий ва маънавий асосларини мустаҳкам қуришимиз керак.

Ўтган бир йил давомида соҳани ривожлантиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилди. Биргина Маданият вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича жами 8 та фармон ва қарор қабул қилинди.

2017 йилда мавжуд 37 театр томонидан намойиш этилган спектакллари 3 миллион 133 минг муҳлис томоша қилди. Йил давомида аҳолига 6 миллиард 72 миллион сўмлик маданий хизматлар кўрсатилди.

Хитой, Россия, Германия, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби давлатларда Ўзбекистон маданияти кунлари ва турли санъат кўргазмалари ўтказилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали бу борада қилинган ишлардан кўра қилинмаганлари, долзарб вазифалар жуда кўп, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда мамлакатимиз театрларининг халқимизга, жумладан, чекка туман, маҳалла ва қишлоқлар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш даражаси бугунги кун талабига жавоб бермаслиги алоҳида таъкидланди. Театрларнинг бу борадаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, театрлар фаолиятини ривожлантириш бўйича 2018-2022 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш, ўзбек цирки ҳамда миллий ракс санъатини ривожлантириш бўйича ҳам тегишли қарорларни кечиктирмасдан қабул қилиб, бу йўналишларда амалий ишларни бошлаш зарурлиги қайд этилди.

Аҳоли учун бўш вақтни мазмунли ташкил этиш, одамларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини таъминлаш мақсадида 2011-2015 йилларда мамлакатимизда 225 истироҳат боғини замон талаблари асосида янгидан қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш белгиланган эди. Лекин ҳозир кўнға қадар 140 боғда таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳомийлар ва тadbirkorлар томонидан маблағ ажратилмагани сабабли 90 боғда режадаги вазифалар тўлиқ бажарилмагани танқид қилинди.

Йиғилишда Маданият вазирлиги томонидан келаси йил амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг аниқ муддатлари белгиланди. Жумладан, маданият ва санъат соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, эстрада, ракс ва оркестр жамоалари фаолиятини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун замонавий мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш каби долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳақдал иш олиб борилмоқда. Шунга қарамай, йиғилишда Бадий академия фаолиятида бир қатор камчилик ва муаммолар учраётгани, уларни тезлик билан бартараф этиш лозимлигига эътибор қаратилди. Жумладан, Нукус, Бухоро, Шахрисабз шаҳарларидаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари ўз вақтида амалга оширилимаётгани, Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залини жаҳон стандартларига мос равишда замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш ишлари суст олиб борилаётгани, бу эса юртимизда нуфузли халқаро кўргазмалар ўтказиш имкониятини чеклаётгани қайд этилди.

Йиғилишда Бадий академия фаолиятини янада яхшилаш борасида 2018 йилда амалга ошириладиган ишлар ҳақида апрофлича фикр юритилди. Хусусан, тасвир, этакчи санъат масканлари билан таъриб аламлишини йўлга қўйиш, чет элларда таниқли расмоларимизнинг кўргазмаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш бўйича амалий тақлифлар билдирилди.

(Давоми 2-бетда)

ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар раҳбарияти, маҳаллий ҳўкимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тўзимлари, экспортчи қорхоналар ва фермер ҳўжаликлари раҳбарлари қатнашди.

Йиғилишда 2017 йил якуни бўйича прогноз кўрсаткичлари тўлиқ баҳариланиши таъминлаш, миллий маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик қорлик субъектларининг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ва саноат маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳўкама қилинди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш сўратларини сақлаб қолишнинг энг муҳим омилларидан бири бу мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш ва миллий маҳсулотларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалда самара бермайдиган рақамлар ҳақида бандларвоз гаплар билан сўз юритишдек номаъқул иш услуби танқид қилинди.

Муайян натижага эришишни мақсад қилган ҳўлда иш юритишни ташкил қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. 2018 йилда экспортнинг умумий молиявий қиймати 12,1 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши кутилмоқда.

Йиғилишда кейинги бир йилда тadbirkorларнинг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳсулотларни олдидан тўлов асосида экспорт қилиш, валюта тушумларини мажбурий сотиш, ҳўзирги кун талабига жавоб бермай-

диган, ортиқча руҳсатномаларни бекор қилиш ҳамда экспорт фаолиятида солиқ имтиёзларини қўллашни кенгайтиришга доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга Мурожаатномасида белгиланганидек, 2018 йилда экспорт соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга яна бир бор тўхталиб ўтилди. Яъни Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шерикларимиз – Хитой, Россия, Жаңубий Корея, АҚШ, Туркия ва бошқа мамлакатларга амалга оширилган олий даражадаги таширишлар давомида эришилган келишувларни бажариш бўйича қабул қилинган "йўл хариталари" ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш зарур. Тadbirkorлик субъектларини божхона қуригидан ўтказишда хавф-хатардан огоҳ этиш тизimini жорий қилиш, божхона органлари томонидан бериладиган ортиқча ва замон талабига жавоб бермайдиган лицензия ва руҳсатномаларни бекор қилиш лозим. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини йилга 10 миллиард долларга етказиш бўйича стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ва муҳўкама қилинди. Айрим тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббусқорлик етишмаётгани, экспорт дастурини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётгани танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт географиясини ва номенклатурасини кенгайтириш, экспортчи қорхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги тadbirkorлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

2017 йил 26 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

2018–2022 ЙИЛЛАР ДАВРИДА БОЛАЛАРДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, республикада соғлом болалар туғилиши, ҳомилалар аёллар ва чалалоқларда патологияни барвақт аниқлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлар ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари тармоғи яратилди, туғруққа ёрдам берувчи ва педиатрия муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилди.

2013-2017 йиллар даврида болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча "Она ва бола скрининг" марказлари ҳал қилиш имконияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика "Она ва бола скрининг" марказлари ҳал қилиш имконияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика "Она ва бола скрининг" марказлари чалалоқларда ва кичик ёшдаги болаларда ирсий касалликларнинг кенг доирасига ташхис қўйиш учун юқори технологик анализаторлар – тандем масс-спектрометрлар билан жиҳозланди.

Амалга оширилаётган тadbirkorлар натижасида 1,1 миллиондан ортиқ ҳомилалар аёл текширувдан ўтказилди, бу 21 минг нафардан ортиқ ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган бола туғилишининг олдини олиш имконини берди. 1,7 миллиондан ортиқ чалалоқ туғма ва ирсий касалликлар юзасидан текширилди, 2,7 минг нафар болага ривожланишининг туғма нуқсонларини бартараф этиш юзасидан малякали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактик ва даволаш-ташхис қўйиш тadbirkorларини, айниқса, қишлоқ жойларда бўлажак оналар ва болаларнинг соғлиғи ҳўлати устидан патронаж тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон амалиётига мувофиқ туғруққа ёрдам берувчи муассасаларнинг ва "Она ва бола скрининг" марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш талаб этилди.

Оналар ва болалар соғлиғини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, ҳомилалар аёллар ва чалалоқларда патологияни барвақт аниқлаш давлат тизimini янада ривожлантириш, болаларда ногиронлиқни камайитириш, шунингдек, "Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 2018–2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловача мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Давлат дастурини амалга оширишнинг

асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

"Она ва бола скрининг" марказларини юқори технологик диагностика тиббиёт услўналари, бутловчи буюмлар, реагентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ҳомилаларлиқнинг дастлабки уч ойида аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғишдан олдин оммавий текшириш ва хавф гуруҳига кирадиган ҳомилалар аёлларда генетик синдромларни биокимёвий текширишни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан ҳомилада туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларга барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

ҳомилада ва кичик ёшдаги болаларда хромосом синдромлар диагностикасида лаборатория диагностикасининг замонавий усуллари, шу жумладан, цитогенетик ва молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этиш;

болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усуллари такомиллаштириш орқали чалалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган овқатлар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш;

"Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳўлда халқаро ҳамкорлиқни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадаги "Она ва бола скрининг" марказларида минтақалараро цитогенетик лабораториялар ташкил этиш, уларни юқори технологик тиббиёт диагностика услўналари билан жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳўкимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда яшаш жойларида, маҳаллаларда ва таълим муассасаларида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола соғлиғини муҳўфаза қилиш масалалари бўйича тушунтириш ва профилактика ишларини мунтазам ўтказиб бурсин;

"Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан мувофиқлаштириш ва назоратни таъминласин;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2018–2022 ЙИЛЛАР ДАВРИДА БОЛАЛАРДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ
КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ҳар чоракда Давлат дастурининг бажарилиш жараёни кўриб чиқсин ва зарурат бўлганда унинг самарали бажарилишини таъминлаш масалалари бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ва халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича олиб қилинадиган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган юқори технологик диагностика тиббиёт ускунаси, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, болалар даволовчи овқати, дори воситалари 2023 йил 1 январгача бўлган мuddатда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустафно) озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпани

ниясига, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳоли орасида туғма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш зарурлиги тўғрисида кенг тушунтириш ишларини ташкил этсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 25 декабрьЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "2018–2022 ЙИЛЛАР
ДАВРИДА БОЛАЛАРДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ
АНИҚЛАШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ушбу йилларда узоқ мuddатли самарга – миллатнинг генофондини яхшилашга, оилада тиббий маданиятни, аҳоли ҳаёти сифатини оширишга ва узоқ умр кўришига эришиш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Мана шу туфайли "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси ҳамда она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш миллий модели, шу жумладан, чет элда умумэтироф этилди.

Чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида "Она ва бола скрининг" республика ва ҳудудий марказлари замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, бу эса кенг доирадаги ирсий касалликларнинг профилактикаси ва уларни даволашнинг юқори даражага кўтариш, болаларнинг оғир ногиронлиққа ва ўлимга олиб келадиган ирсий касалликлар ва ривожланишдаги туғма нуқсонлар билан туғилиш хавфи даражасини камайтириш имконини берди.

2013–2017 йилларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлини даражасида 2,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёллар текширилди, уларнинг 65 минг нафариди ҳомила ривожланишининг туғма нуқсонлари аниқланиши муносабати билан ҳомиладорлик тўхтатилди.

Скрининг марказларида 1,1 миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл туғишгача бўлган давр текширувидан ўтказилди. Улардан ҳомиладорлик даври патологиясига кенг 210 минг нафардан ортиқ аёл дори-дармонлар билан даволанди. Умуман олганда, ҳомиладор аёлларни туғишдан олдин текшириш натижасида 21 минг нафардан

ортиқ ривожланишида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар бўлган бола туғилишининг олдини олиш имконини берди.

1,7 миллиондан ортиқ чақалоқлар гипотиреоз ва фенилкетонурия (туғма ва ирсий касалликлар) юзасидан текширилди. Ҳозирги вақтда 1407 нафар бемор диспансер назорати остида турибди, шундан кейинчалик ногиронлиққа олиб келиши мумкин бўлган прогрессив касалликларнинг олдини олиш мақсадида туғма гипотиреозга чалинган 1117 нафар бола доимий равишда бепул дори-дармонлар билан, 290 нафар фенилкетонурияга чалинган бола даволайдиган озик-овқат билан таъминланган.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида туғма аномалияли болалар туғилишининг интенсив кўрсаткичи 2000 йилдагига нисбатан 1,8 баравар камайди.

Шу билан бирга, тиббий генетика ривожланишининг ҳозирги босқичи бўлажак оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик ёрдам кўрсатиш учун скрининг марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, сифат жиҳатидан яхшилашни тақозо этмоқда.

Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни бартараф қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, туғруққа ёрдам берувчи муассасалар ва скрининг марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018–2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни бартараф қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарор қўйилганлиги назарда тутилди: юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реа-

гентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали скрининг марказларининг моддий-техника базасини яхшилаш;

ҳомиладорлиқнинг дастлабки уч ойида аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғишдан олдин оммавий равишда текшириш ва хавф гуруҳига қирадиган ҳомиладор аёлларни генетик синдромларга биокимёвий текшириш босқичма-босқич жорий этиш йўли билан ҳомилада туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси ва барвақт ташхис қилиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

лаборатория диагностикасининг замонавий усулларини, шу жумладан, ҳомилада ва кичик ёшдаги болаларда хромосом синдромларга ташхис қилишда цитогенетик ва молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этиш;

болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қилиш усулларини такомиллаштириш орқали чақалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган овқатлар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш; скрининг марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорлиги амалга ошириш.

Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 31 миллион АҚШ доллари ва 90 миллион сўм ажратиб режалаштирилмоқда, улардан 28 миллион 460 минг АҚШ доллари Давлат бюджетига маблағлари, 90 миллион сўм ва 2 миллион АҚШ долларида зиёди "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси маблағларида.

Давлат дастурини амалга ошириш: шаҳарлар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли

поликлиникаларида ҳомиладор аёлларнинг туғишдан олдин оммавий ултра-товуш текширувидан ўтказилишини жорий этиш;

ҳомиладорнинг генетик синдроми бўйича хавф гуруҳини аниқлаш учун ҳомиладорлиқнинг эрта мuddатларида аёллар қони босқичма-босқич биокимёвий текширувдан ўтказиш (220 минг нафардан ортиқ ҳомиладор аёлни текшириш режалаштирилмоқда);

310 минг нафардан ортиқ аёлларни ҳомиладорлиқнинг иккинчи уч ойида туғишгача биокимёвий скринингдан ўтказиш;

тандем масс-спектрометрия усули билан ирсий алмашинув касалликларини тасдиқлаш учун болаларни текшириш (18 мингдан ортиқ текширув);

ривожланишида туғма ногиронлиққа олиб келадиган нуқсонлари бўлган болалар туғилишини икки баравар камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, диспансер ҳисобида турган ва янгидаан ҳисобга олинган ирсий касалликларга чалинган болаларни махсус даволайдиган озик-овқат ва дори-дармонлар билан таъминлаш давом эттирилади.

Режалаштирилаётган тадбирларни амалга ошириш йўли туғилган чақалоқларни скрининг текширувидан ўтказишнинг 95 фоизгача ошириш ва болалар ногиронлигига олиб келадиган ирсий касалликларга чалинган болаларни барвақт аниқлаш бўйича диагностика ва даволаш тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Барчага маълумки, соғлом она ва бола – жамиятнинг таянчи, шу сабабли соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, энг аввало, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МУРОЖААТНОМАСИНИ
ТИНГЛАБ...

Жорий йилнинг 22 декабрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тарихида илк бор янги амалиёт сифатида Олий Мажлисга Мурожаатнома шаклидаги дастурий маъруза билан чиқиш қилди.

Мурожаатномада илгари сурилган барча фикрлар, гоялар, ташаббуслар ягона азгу мақсад – фуқароларимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш, юртимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур маросимда олдимизда янада улкан ва масъулиятли вазифалар турганини англадик. Мамлакатимизда 2017 йилда амалга оширилган шиддатли ислохотлар келгуси йилда ҳам Президентимиз раҳнамолигида янада қатъият, шижоат асосида, юксак марраларни қўлаб давом эттиришнинг тушундик.

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилинди.

Парламентимиз фаолияти янада кучайиши, депутатларимиз уйғониши, "тирик қонунлар" қабул қилишимиз лозимлиги, халқ манфаати йўлида янги ва замонавий ташаббусларни дадил илгари суриш лозимлиги ҳақидаги тавсияларни фаолиятимизнинг бош мезони сифатида белгилаб олдик.

Президентимизнинг "Барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи, том маънода, халқ бўлиши шарт. Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни кўйидан – фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларида олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама

қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак", деган даъватларни фаолиятимизни янада жонлан-тириш, халқ ичига янада кириб бориш ва амалий натижа берадиган қонун ҳужжатларини қабул қилишга эътибор қаратишимиз зарурлигини англадик.

Бошқарувда мутлақо янги тизим жорий этилаётгани, ҳокимиятлар вақолатларини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқиши, номарказлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши, жуда муҳим масалалар юзасидан юксак жасорат билан илгари сурилган ташаббуслар, ҳудудларда аҳолини ташвишга солаётган чегара постлари, айбисиз айбдор бўлиш, номуносиб тарзда жавобгарликка тортилиш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича белгилаб берилган вазифалар халқимизнинг дилидаги гап бўлди.

Аёлларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга қўлай шароит яратиш, хотин-қизлар ўртасидаги ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан долзарб вазифалар белгиланган.

Мурожаатнома асосида белгиланган ҳар бир вазифа ижросини таъминлашда янада фаол бўлишимиз, халқимиз учун Президентимиздек фидойилик, жонқуярлик билан ишлашимиз зарур, бизга факат ва факат халқ баҳо беришини унутмаслигимиз шарт.

Шухрат ЁКУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати

Ҳали болалигимдаёқ шеърятга меҳрим тушган. Шоир бўлиш орзусида юрган у маҳаллар ижодкорнинг асл масъулияти ҳақида ўйлаб кўрмаганман, эҳтимол. Орадан кўп яхши кунлар ўтди, кўнгил тўлмаган ишлар ҳам ортда қолди, орзулар ушалди. Фурсат оралаб чопиб, гўзал кунларга етиб келдик...

ВАТАН ИЧРА МЎҲЖАЗ ВАТАН

Бугунги ҳар кунимиз қалбимизни ҳафриқтиради. Тўлиб-тошиб яшаётимиз. Ўзбекистоннинг, халқимизнинг толеи баланд экани, ҳар ёнда ободлик. Қуни кеча Президентимиз яна бир бор ижодкорлар билан учрашиб, қалам аҳлига алоҳида меҳр билдиргани бизни гўят тўлқинлантириб юборди. Ҳаёлим яна мазийга қайтди.

...Шавкат Мирзиёев кўп китоб ўқиган, асл китобхон. Шу боис адабиётни севади, ижодкорларни ҳурмат қилади, қадрлайди. Дастлаб ёш ижодкорларнинг Зомин семинари ташкил этилиши тимсолида бу меҳрни ҳис қилганмиз. Бундан 20 йил муқаддам Президентимиз Жиззах вилояти ҳокими бўлиб ишлаган кезларда амалга оширилган ташаббус эди бу. Бугун Зоминнинг "Ўриқлисий" дараси кўп истеъдодли ёзувчи-шоирларнинг ижод маҳсули, шеър жанри билан тўлиб-тошган.

Кейинчалик Бош вазир бўлган пайтларида ҳам ижодкорлар ҳақида кўп қайғурди. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Эркин Вохидов (руҳи шод бўлсин) бетоб бўлиб ётганида Шавкат Мирзиёев ҳол сўраб борган, шoirнинг кўнглини кўтарадиган яхши гаплар айтган. Эркин аканинг соғлигини шахсан ўзлари назорат қилиб турган. Ижодкор-

га бўлган гўят тахсинли эътибор эди бу.

Айтиш керак, орада адабиётга бўлган эътибор бироз сусайган вақтлар ҳам бўлди. Ҳатто, адабиёт кимга керак, деган ботиний саволлар берилган бўлди. Қандай қайғули бунга эслаш. Адабиёт ўлса, халқ нима бўлади? Бас қилдим. У кунларни ҳозир эсламайлик, мавриди эмас.

Қуни кечага қайтайлик. Давлатимиз раҳбари Адиблар хибонида биз билан дилдан суҳбатлашди. Айтдиларки, бизнинг кўп буюк адабиётимиз бор. Дунё аҳли маънавиятини бойитган боболаримиз руҳидан куч оламиз. Тоабд уларнинг қони вужудимизда оқар экан, ҳали биз гўзал оқар қиламиз, китоблар чоп этамиз.

Адабиёт мактаблари ҳақида гапирди. Фарғонада Эркин Вохидов, Андижонда Мухаммад Юсуф, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов номидаги мактаб-интернатлар ёш адабиёт илос-маңдлари учун катта имконият. Президентимиз бу мактабларга устоз ижодкорларимиз бориб, ёшларга дарс бериш, адабий суҳбатлар уюштириш таклифини билдирди. Ҳар бир мактабга адабий нашрлар етиб бори-

ши керак, деди жонқуярлик билан.

Мана, уюшмамизга замонавий бино совға қилинмоқда. Бу бизнинг Ватан ичра мўъжаз Ватанимиздир. Шу пайтгача Ёзувчилар уюшмаси ўз биносига эга эмасди. Ижарада турарди, кўп биналарга қўчиди, сарсон бўлди. Ниҳоят биз истеъдодли рўёбинга кўраппимиз.

Бино ичида кутубхона, музей ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу ерни энг зўр асарлар билан бойитиш, жаҳон адабиёти, қардош халқлар дурдона асарларини жойлаштиришга эътибор қаратди. Кутубхона ва музей бизнинг фахримизга айланиши, юртимизга келган меҳмонларни бу ерга олиб келсак, улар ҳам қувона оладиган даражада бўлиши керак, деди Шавкат Миромонович.

Давлатимиз раҳбарининг адабиёт – юксак маънавият, ҳаёт-мамот масаласи, шу маънода 25–30 йиллик даврда биз вақтини бой бериб қўйдик. Энди шу хатоларни тўғрилашимиз керак, деган гўят долзарб фикрлари бизни янгича руҳда ижод қилишга ундамоқда.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси
ўринбосари,
Ўзбекистон халқ шоириЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ
ҚИЁФАСИНИ ЯРАТИШДА
МИЛЛИЙ
МАДАНИЯТИМИЗНИНГ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тегишли мутасадди раҳбарларга П.Бенков номидаги Республика рассомлик коллежида 400 ўринли, Республика диний коллежида 200 ўринли ўқувчилар турар жойини қуриш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаш юзасидан топшириқ берилди.

Шунингдек, соҳа учун етук мутахассислар тайёрлаш, хусусан, янги даврга мос ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар яратиш ва уларни таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, ўқув муассасаларини замонавий педагогик, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш, таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда маданият ва санъат соҳаларида сидқидилдан хизмат қилаётган ижодий ва техник ҳодимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг уй-жой, ижтимоий ва тиббий шароитларини яхшилаш, гонорарлар миқдорини ошириш, ёш истеъдод эгалларининг салоҳиятини юзга чиқариш бўйича олиб борилаётган ишларни изчил давом эттириш гўят муҳим вазифалардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак, мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмас, жамият ривожланмайдиган, деди Президентимиз. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият – бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, бунини, аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришдан бошлашимиз лозим.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишига мувофиқ, "Миллий армия-миз – ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остида "Армия ва ёшлар" мавзусида фестивал ўтказилди.

● Термиз шаҳридаги Хотира майдонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, нурунийлар, профилактика инспекторларининг оила аъзолари, талаба-ёшлар иштирокида Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг тантанали қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.

● И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида "Ўз қўлларимиз билан" деб номланган кўргазма-ярмарка ўтказилди. Унда 20 га яқин имконияти чекланган инсонлар қўли билан яратилган тўқимачилик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик буюмлари, миллий ва замонавий либослар, бисер ва қўғирчоқлар намойиш этилди ва савдо ярмаркаси уюштирилди.

● Фарғона туманидаги "Чимён" сийҳатгоҳида "Харакатлар стратегияси: ислохотлар жараёни ва оммавий ахборот воситалари" мавзусидаги анъанавий VII ўқув-медиагалери якунланди. Бир ҳафта давомида юртимиздаги олий ўқув юр்தларининг журналистика факультети олимлари, марказий газеталарнинг бош муҳаррирлари маҳорат сабоқлари олиб борди, журналистиканинг ўзига хос қирралари ҳақида мулоқотлар ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Москванинг Фарбий қисмидаги Славян хибонида йўловчи автобуснинг ер ости ўтиш йўлига тушиб кетганлиги натижасида тўрт киши ҳалок бўлди, тўққизта одам жароҳатлангани ҳолда касалхонага ётқизилди. Уларнинг икки нафари оғир ахволда. Хайдовчининг сўзларига қараганда ушбу ҳодисага тормоз педалининг орасига баклашка тушиб қолганлиги сабаб бўлган. Ҳозирда текширув ишлари кетмоқда.

● Кеча Хитойдаги барча қўлларда ҳаваскор балиқчилар ўртасида муз тагидан балиқ овлаш мавсуми бошланди. Ўзига хос чемпионат кўринишидаги ушбу мавсум январь ойи охиридаги қадар давом этади. ● Францияда 97 минг полициячи ва ҳарбийлар Рождество байрами кунлари аҳоли хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашга жалб этилиши маълум қилинди. Бу ўтган йилдагидан бир мунча кўп бўлиб, террорчилик ҳаракатлари хавфи кучайганлиги боис шундай йўл тutilмоқда. Байрам кунлари аynиқса тадбирлар ўтадиган 650 та майдон, аэропорт ва вокзалларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Президент ташрифидан сўнг...

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ
КЎРКАМ ҚИЁФАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 12 апрель кунин Чилонзор туманидаги "Катта Хирмонтепа" ва "Яккатут" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, ҳудуд ободлигини таъминлаш борасида топшириқлар берган эди.

Қисқа вақт ичида маҳаллаларда улкан қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Кўп қаватли уйлarning том ва фасад қисми мукаммал ва жорий таъмирланди, йўлакларга бетон қопламалар ётқизилди, темир бетон ариқлар ўрнатилди, болалар майдончалари, дам олиш ҳудудлари — айвонлар барпо этилди, ички йўллари ва автомобиллар турадиган жойларга асфальт ва бетон ётқизилди, ноқонуний қурилмалар ва яқна тартибдаги гаражлар бузилиб, атроф ободонлаштирилди.

Бугун мазкур маҳаллаларнинг кўркам қиёфаси кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. "Яккатут" маҳалласида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдим.

— Маҳалламизда 1 минг 755 хонадонда 5 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади, иккита мактабгача таълим муассасаси, иккита мактаб, иккита коллеж фаолият юритмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нодирбек Рўзметов. — Президентимиз тавсиясига кўра, кўп қаватли уйлarga хизмат кўрсатувчи ширкатлар ишини янада яхшилаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича қатор ишлар амалга

оширилди, кредитлар ажратилиб, кўп қаватли уйлarning том, фасад қисми ва йўлаклар таъмирланди, деворлари бўялди, иссиқлик қувурлари алмаштирилди, 29 болалар майдончаси қурилди, намунавий маҳалла марказини қуриш ишлари давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилик қиладиган секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса аҳолини қўйналган муаммоларни ўрганиш ва ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ўзалхон Гофуровнинг айтишича, аҳолини кўпичча қийнаб келаётган коммунал соҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, маҳалла ҳудудидида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришда туман давлат солиқ инспекцияси



бошлиғи Аловуддин Иноғомов раҳбарлик қилаётган 4-секторнинг ҳам ҳиссаси бор.

Атроф озода, саранжом-сарийшта, болалар майдончаларида ўғил-қизларнинг шодон қийқириқлари эшитилади. Уларни кузатиб ўтирган оналарнинг қувончи чексиз.

— Битта фарзандим бор, — дейди маҳаллада истикомат қилувчи Хумора Ахмадалиева. — Авваллари, маҳалламизда бундай болалар майдончалари деярли бўлмасди. Болаларимизни ўйнатиш учун жой тополмай овоза эдик. Маҳалламизда болалар майдончаларининг қурилгани нафақат фарзандларимиз, балки биз, оналар учун ҳам катта совға бўлди. Бунинг учун Президентимиздан миннатдоримиз.

"Катта Хирмонтепа" маҳалласида асосан кўп қаватли уйлар жойлашган. Бугунги ўзгаришлардан, маҳалланинг ободлигини аҳоли мамнун.

— Авваллари уйимиз олдида гаражлар бетартиб жойлашгани учун, улар-

нинг орасида чиқиндилар тўпланиб қолар, айниқса, кечқурунлари болалар ҳам, катталар ҳам у ердан қўчиброқ ўтарди, — дейди Мафтуна Авлиева. — Бугун маҳалламиз бутунлай бошқача, кўркам, озода. Йўлак четидида тош устунларга чироқлар ўрнатилгани боис кечалари ҳам ҳудди кундугидай беҳавотир юриш мумкин.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг чинакам халқона институти сифатида жамиятимиздан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган эзгу вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётди. Бунинг самарасида аҳолининг муаммолари ҳал этилиб, яшаш шароитлари яхшиланмоқда, фуқаролар ҳаётидан мамнун, бугуни ва эртасидан хотиржам бўлиб, маҳаллага, жамиятга, давлатга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Байрам АЙТМУРОВОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасида Тошкент шаҳар прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги солиқ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамкорлигида Халқаро коррупция кунини муносабати билан "Очиқ эшиклар кунини" тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, 150 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва фуқаролар қатнашди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаев олиб борди.

Айтиш жоизки, юртимизда коррупцияга қарши самарали кураш олиб боришда Шу жихатдан мавзудан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва унга тааллуқли халқаро конвенциялар ҳақида тушунча берилди.

Таъкидландики, коррупцияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларнинг олдини олишда солиқ тўловчилар ва солиқ ходимларининг ўзаро мулоқотларини камайтириш ва уларнинг муносабатларида коррупциянинг олдини олиш мақсадида электрон мулоқот тизими ишлаб чиқилди. Бунда солиқ тўловчилар солиқ идораларига ташриф бурюмасдан тўғридан-тўғри электрон шаклда электрон имзо билан ҳисоботларни компьютер орқали жойидан туриб юборишлари мумкин.

Айтиш ўринлики, бугунги кунда давлат солиқ хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу Фармон билан солиқ соҳасидаги ислохотларни янада такомиллаштириш, тизимда коррупциянинг олдини олиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш кўрсаткичларини яхшилаш, коррупция қўриқчиларини профилактика қилиш белгиланган ҳолда, коррупция қўриқчиларини профилактика қилиш ҳалол ва юқори малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, солиқ органларини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юқори салоҳиятли ходимлар билан тўғридан бўйича тизимли ишларни амалга ошириш лозимлиги ҳақида сўз борди.

Учрашувда тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар коррупциянинг салбий оқибатлари бўйича зарур маълумотга эга бўлдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

З. ШАРИФЖОНОВ

Давлатимиз келажагимиз ворислари саналган ёш авлод тақдири учун ота-оналардан кам қайғурмаяпти. Ўғил-қизларнинг таълим-тарбия олишлари, ҳар жиҳатдан соғлом ва маънан етук бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Болалар спорти

БАРКАМОЛЛИК САРИ ЙЎЛ

Энг замонавий олий таълим даргоҳлари, жаҳон талаблари даражасида жиҳозланган спорт мактаблари, турли тўғарак ва ўқув марказлари фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, ақлан баркамол бўлиб воёга етишишга хизмат қилмоқда. Мирзо Улуғбек туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидида бўлиб, у ерда спортнинг турли йўналишлари бўйича шуғулланаётган жажжи ўғил-қизларни кўрганда юқоридаги фикрлар беихтиёр хаёлимиздан ўтди. Эътиборимизни ўз фарзандларинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан, шу билан бирга фахр ва ҳаяжон билан кузатиб турган ота-оналар тортди.

— Уч нафар фарзандим бор, уларнинг жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб воёга етишини ният қилиб спортнинг ўзлари хоҳлаган тури билан шуғулланишлари имконият яратганмиз, — дейди ўзини Гулчехра Эргашева дея таништирган аёл. — Қизларим Фазилат ва Анзират Мухитдиновалар Қўрай туманидаги 17-мактабнинг 9- ва 5-синфларида аъло баҳоларга ўқиш билан бирга спортнинг бадий жиҳатига, ўғлим Нуриддин эса акробатика, югуриш бўйича шуғулланади. Спорт билан шуғулланган болаларнинг соғлом бўлиш билан бирга ақли ҳам тинч бўлиши барча ота-оналарга айтгим, яратилган шарт-шароитлардан фойдаланиб фарзандингизни спорт билан шуғулланишлари эътибор қаратинг, шунда ўзини ҳам хотиржам бўласиз дегим келади. Чўки ўғил-қизларнинг ёшлдан таълим-тарбияси, соғлиғи, кимлар билан мулоқотда бўлиши ота-онага жуда катта масъулият юклайди. Ота-она-

нинг фарзанди келажагидан кўнгли тўқ экан, ишга ҳам хотиржам бориб келасиз, билангизда тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-оқибат ҳукм суради.

— Келажақдаги мақсадларим жуда катта, — дейди кўзлари қақнаб турган, хушрўй қизалоқ Фазилат. — Чемпионлик камарини болаган ёшларга ҳавас қиламан ва улар етган маррага албатта етишга интиламан. Ўқиш, изланиш, тинимсиз меҳнат қилиш керак. Бунинг учун бизга барча шароитлар яратилган. Шу ишонч ва умидга лойиқ бўлишимиз керак.

Биз ота-болалар билан суҳбатлашар эканмиз уларга жимгина қулоқ солиб турган сингил — Анзиратнинг кўзларида ҳам мана шундай катта мақсад ва шижоатни кўрдик. Оқуш мисол парвозга шай турган ота-сингилларга эзгу ниятларингиз албатта амалга ошсин, деган ният билдириб хайрлашдик.

Дарҳақиқат, ота-онанинг муқаддас бурчи ва вазифаси нафақат фарзандини дунёга келтириш, балки уларни юксак маънавиятли, маърифатли ва баркамол қилиб тарбиялаш, жамиятда ўз ўрнини мустақил топишга шарт-шароит яратишдир. Бунда албатта матонатли, фидойи, сабр-тоқатли, баъзан қаттиққўл отанинг ҳам, меҳридарё, бағри кенг, юмшоққўнли онанинг ҳам ўзи ўрни бор.

Зеро, оила келажақ наслларнинг қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Истардикки барча ўғил-қизлар ота-оналар меҳри ва ардоғида воёга етсинлар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ
МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Янги йил байрами кунлари театрлаштирилган томошалар ва янги йил спектаклларини юқори савияда намойиш этиш, ўқувчиларнинг кишики таътил кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида доимий анъанага мувофиқ шахримизнинг барча туманларида жойлашган истироҳат боғлари ва марказий майдонларда байрам тадбирлари бўлиб ўтади. Куйида байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларнинг манзилларини эслатиб ўтаимиз.

1. "Мустақиллик ва эзгулик" майдони.
2. Шайхонтоҳур ва Қодирий кўчаларида жойлашган Наврўз боғи ҳудудидаги (эски ТАПОиЧ ҳудуди) майдон.
3. Шайхонтоҳур тумани "Локомотив-Анхор" истироҳат боғи.
4. Шайхонтоҳур тумани Хадра майдони.
5. Чилонзор тумани Алгоритм даҳасидаги "Roison Electronics" корхонаси олдидаги майдон.
6. Яшнобод тумани "Дўстлик" истироҳат боғи.
7. Яшнобод тумани "Ашқобод" истироҳат боғи.
8. Мирзо Улуғбек тумани "Локомотив" маданият ва истироҳат боғи.
9. Мирзо Улуғбек тумани "Эко боғ" олдидаги майдон.
10. Сергели тумани "Гринпарк" истироҳат боғи.
11. Олмазор тумани Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғи.
12. Бектемир тумани "Қуёшча нури" маданият ва истироҳат боғи.

ТУГАТИЛАДИ

Тошкент шаҳар Адлия вазирлиги томонидан 19.02.2013 йил 563-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган, "ISHONCHI ADVOKAT HIMOYASI" (ИНН 207174952) таъсисчининг 26.12.2017 йилдаги №2 қарорига асосан

Эътирозлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб икки ой давомида куйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (90) 980-80-69.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Мировод филиали биносининг ички ва ташқи қисмларидаги видеокузатув тизимларини янгилаб, ўрнатиш мақсадида пудрат ташкилотлари ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

- Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни куйидаги манзилдан олиш мумкин:
- Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Туркистон кўчаси, 10-уй.
- Телефонлар: 215-59-45, 299-78-16.
- Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертта жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.

Яшнобод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 2017 йил 5 июндаги 523273 рўйхат рақами билан тадбиркорлик субъектларининг ягона давлат реестрига киритилган ва Яшнобод тумани, Дилнур кўчаси, 4-берк кўча, 1-уй манзилида жойлашган "KAPITAL BUILDING" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 304 925 854) ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 25.12.2017 йилдаги №4 сонли қарор асосида тугатилади. Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда (+99890) 918-99-26 телефони орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан М.Улуғбек тумани Давлат санитария эпидемиология назорати марказига (ИНН 200540644) 28.02.2017 йилда берилган ПР № 007627 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

АҲОЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
МАДАНИЯТИ
ОШИРИЛМОҚДА

Юртимиз эркин демократик жамият қуришни ўз олдида қатъий мақсад қилган ҳолда одимламоқда. Ёшлар онги ва тафаккурининг шаклланиши ҳамда тарбиясида уларни атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқлик ҳолатида эмас, аксинча мунтазам равишда огоҳ, сергак бўлиш, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш муҳим. Лекин орамизда билиб туриб жиноят кўчасига қираётган, ҳар хил ёт гоёларга эргашиб инсонга бир марта бериладиган азиз умрини хароб этаятган, хатарларга қўяётганлар ҳам топилади.

Мамлакатимиздаги ҳар бир маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада бефарқлик, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг асосий шартларида бири бўлиб, бу борада ҳар бир фуқаро онгидида "Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак" деган қарашни шакллантириш гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Мирзо Улуғбек туманидаги "Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинида Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман суди томонидан ўтказилган сайёр учрашувда бу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда туман прокуратураси, Жиноят ишлари бўйича туман суди мутасадди вакиллари, "Катта Қорасув" ва Гулсанам маҳалла фаоллари, аҳоли, профилактика инспекторлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари, жабрланувчи-судланувчилар, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари иштирок этди.

Ўзаро очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда сўз олган Жиноят ишлари бўйича туман суди раиси Ёқутхон Хайдарова, "Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наима Жаббаровова ва бошқалар йиғилганларга бугунги учрашувнинг мақсади, Президентимизнинг жамиятда қонун устуворлиги, адолатни қарор топтириш йўлидаги фармон ва қарорларининг моҳияти, мамлакатимизда илгари сурилаётган улкан гоё ва ислохотлар мазмун-моҳиятини оммага етказиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, фуқаролик масъулияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш орқали ҳар қандай кўнчилсиз воқеаларга қарши гоёвий имунитетини кучайтириш маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар учун энг долзарб масалалардан экани, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳақида маълумот бериб ўтишди.

— Кўпчилик дунё халқлари бошларидан очарчилик, ишчилик, иқтисодий инқироз каби огир кўнларни ўтказаятган бир пайтда бизнинг она Ватанимиз Ўзбекистон кундан-кунга чирой очиб, тобора юксалиб бормоқда, — дейди Жиноят ишлари бўйича туман суди раиси Ёқутхон Хайдарова. — Буларнинг барчаси мустақиллик, тинчлик ва энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиши юртимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь кунин бўлиб ўтган мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселекторда суд-ҳуқуқ соҳаси ходимларига ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Йиғилиш талабларидан келиб чиқиб, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар судьялари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан тумандаги маҳаллаларда сайёр учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бу каби сайёр учрашувларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ташқари аёллар, воёга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳофиза қилинмоқда. Бугунги кунда юздан ортиқ сайёр суд мажлисларини ўтказдик. Навбатдаги учрашув давомида жами 22 нафар фуқаронинг муаммолари ва уларни қўйналган саволлар қўриб чиқилди, уларга зарур маълумотлар берилди. Инсон умри бамисоли дарё дейишди. Ҳаётнинг пиллаполаридан қандай ўтиб бориш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Нотўғри босилган қадам албатта, жарликка қулатади.

Сайёр суд мажлисида турли жиноятлар, жумладан талончилик ва тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган шахслар иши қўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси билан айбланган И.Машенко, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси билан айбланган А.Делев, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси билан айбланган М.Рибашов ва Р.Таджибаевларга нисбатан жиноят ишлари сайёр суд мажлисида қўрилди. Бундай учрашувлар фуқароларнинг босаётган қадимини ўйлаб босишга, кингир иш эртаси кечми фой бўлиши, агар ҳар бир ишнинг оқибатини ўйлаб иш тутилса, ташвишга қолмаслик ўқтирилмоқда. Беҳизга кексаларимиз "Қилмиш-қидирмиш", "Билмайман босдим тиконни, тортадирман жабрини" дейишмаган. Қонунларимизни менсимай яшашни ўзига касб қилиб олган, нопок йўлни танлаган кимсалар қаттиқ адашадилар. Жиноятга жазо муқаррар эканлигини асло унутмаслик лозим.

Зиёда РАСУЛОВА



да шамал жади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража соғуқ, кундузи — 0-2 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо- ниторинг хизмати маълумотига кўра, 27 декабрда Тошкент шаҳрининг об- ҳаво шароити шаҳар ҳаво музти- да зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имко- ният яратоди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

“MERIDIAN MEVEL” MAS’ULIYATI CHEKLANTAN JAMIYATI JAMOASI

қадрли ҳамшаҳарларимиз ва соҳа ходимларини қувонч
ва шодликлар ила кириб келаётган янги йил байрами билан
чин кўнгилдан муборакбод этади.

2018 йилда жамики эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин.
Бахт ва омад доимий ҳамроҳингизга айлансин!



АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Файз-тароват ила кириб келаётган янги —
2018 йил билан барчангизни қизгин
қутлаймиз.

Тинчлик ва осойишталигимиз барқарор,
турмушимиз фаровон, дастурхонимиз туқин,
юртимиз янада кўркам ва обод бўлсин.
Янги йил шуқуҳи қалбингизни асло тарқ
этмасин!

“ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

“ТОШБОЗОРСАВДО” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА СОҲА ХОДИМЛАРИНИ

янги — 2018 йил билан энг эзгу
тилакларни изҳор этган ҳолда
самимий қутлайди.

Ниятимиз шуки, халқимиз доимо соғ-омон,
ризқ-насибаси бутун,
турмушимиз фаровон бўлсин.

Янги йил барчангизнинг хонадонингизга
бахт-иқбол келтирсин!

“QUYOSHCHA NURI” MAS’ULIYATI CHEKLANTAN JAMIYATI JAMOASI

барча ҳамшаҳарларимизни янги йил шодиёналари
билан самимий табриклайди.
2018 йил оилаларимизга бахтли-саодатли
ва қувончли кунларни келтирсин.

Ҳаётингиз унутилмас лаҳзаларга
бой бўлсин. Қалбингизни эзгулик
ва маърифат нури чарогон
этаверсин!